МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✱ 2013 йил 30 октябрь. Чоршанба №92 (954) ✱ www.mahallagzt.uz ✱ info@mahallagzt.uz

САРҲИСОБ

## ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» номли асарида: «Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди», дея таъкидланган.**

Дарҳақиқат, бугунги кунда фуқаролар йиғинлари том маънода аҳолининг таянчи ва суянчига айланди. Буни Обод турмуш йилининг ўтган 9 ойи давомида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан амалга оширилган кенг қамровли ишлар ва эришилган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди.

Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2013 йил 9 ойлик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви аъзолари, фонднинг масъул ходимлари, ҳудудий бўлимлари раислари иштирок этдилар.

Обод турмуш йилининг учинчи чораги «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, уларнинг вазифалари кўламини кенгайтиришда самарали давр бўлди. Айниқса, янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдамни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ташкил этиш белгиланганлиги ҳақида атрофлича тушунчалар берилди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов кириш сўзида Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 30 сентябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ҳақида атрофлича тўхталди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларининг амалга оширилишига кўмаклашиш, фаолиятини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда таъсирчан механизмлар ишлаб чиқиш, маҳалла институтининг аҳамиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш каби вазифалар юклатилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-



Бошқарув йиғилишида фуқаролар йиғинлари ходимларининг касбий ва бошқарув малакаларини янада ошириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тизимли методик ёрдамни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 10 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оши-

тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Фуқаролар йиғини тўғрисидаги Намунавий низом, йиғин ҳузуридаги Тафтиш комиссияси, шунингдек, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Намунавий низомлар ҳамда фуқаролар йиғини раисининг гувоҳномаси тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисидаги, Фуқаролар йиғинларида иш юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби тўғрисидаги Низом маъқулланди.

> [2]

МАҲАЛЛАДА САНОАТ



## ИМКОНИЯТ ТАШАББУС ВА ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА

**Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, ҳудудларнинг янада обод ва кўркам бўлишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳим аҳамият касб этади. Ҳукуматимиз томонидан бу тармоқни ривожлантириш учун барча қулайлик ва имкониятлар яратилмоқда.**

Шу боис давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, самимият, ҳурмат ва меҳрга тўла фикрлари, жумладан, «мен... ўзлигини доимо улуғлаб келаётган, ғурури баланд, ориятли Қашқадарё халқининг фидокорона меҳнати билан бу замин, унинг барча қишлоқ ва шаҳарлари обод ва фаровон бўлишига ишонаман...», деган сўзлари каттаю кичикка ғайрат-шижоат, куч-қувват бахш этди. Маҳаллада ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш ва оилавий бизнесни йўлга қўйиш мақсадида мурожаат этувчи тадбиркорлар сони кўпаймоқда.

Нишон туманида бир вақтлар ишлаб чиқариш корхонаси у ёқда турсин, маҳалла гузари ҳам йўқ эди. Бугун бу ҳудудга йўли тушган кишининг кўплаб кичик корхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, замонавий супермаркетлар, тўйхонаю гузарларни кўриб баҳридили очилади. Шунга яраша одамларнинг турмуш тарзи, ҳаётга муносабати ҳам ўзгарган. Кишилар яхши ва фаровон яшашга интиляпти. Аҳолимизнинг қарийб 20 фоизи оилавий бизнес билан машғул. Жумладан, қандолатчилик, нонвойлик, дурадгорлик, гиламчилик, сандиқсозлик, тикувчилик, каштачилик, асаларичилигу қуёнчиликни йўлга қўйиб, ҳам мўмай даромад топаётган, ҳам эл-юртга наф келтираётганлар кўпчиликни ташкил этади. Қувонарлиси, бизнес юритиш истагидаги ҳар бир киши мустаҳкам оёққа туриб олгунича маҳалла фуқаролар йиғинларининг кўмагига таянмоқда. Бундан ташқари, маҳалланинг таклифи билан «Тадбиркор аёл» уюшмаси ёки «Микрокредитбанк»нинг туман бўлими томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиляпти.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

## САЙЛОВГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК ФАОЛЛИКНИ ОШИРАДИ

**Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан сайлов даври учун ишчи гуруҳи тузиш белгиланган.**

Ҳозирда жойларда ана шундай ишчи гуруҳлари томонидан сайловни юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг фикри инобатга олинган ҳолда тегишли комиссияга тақдим этиш учун йиғин раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрланяпти.

Андижон вилояти Олтинкўл туманида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётир. Ҳозирда тумандаги мавжуд 8 та қишлоқ ва 56 та маҳалла фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлари тузилиб, улар таркибига 480 нафар аъзо, жумладан, 18 нафар туман Кенгаши депутати киритилди. Сайловни ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси томонидан ишчи гуруҳлари билан биргаликда ҳудуддаги фуқаролар йиғинларига 3892 нафар вакил сайланиши белгиланди.

> [2]



ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

*Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Жиззах вилоятида ҳам барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда. Айниқса, кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида вилоят маркази — Жиззах шаҳри янада кўркам қиёфа касб этиб боряпти.*

*Марказий кўчалар кенгайтирилиб, замонавий иншоот ва турар-жойлар қад кўтармоқда. Хусусан, кейинги 3-4 йил мобайнида шаҳарнинг Мустақиллик, Буюк Турон, Алишер Навоий ва Шифокорлар кўчаларида катта ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Кўчалар кўркини бузиб турган пастқам уй ва хўжалик объектлари ўрнида замонавий услубдаги 2-3 қаватли иморатлар барпо этилмоқда.*

*Шаҳарнинг асосий савдо марказлари — «Кўк бозор», «Эски шаҳар» буюм ва деҳқон, «Кимёгар» эҳтиёт қисмлари бозорлари замонавий қиёфага кирди. Жумладан, «Кўк бозор» ҳудудидаги бир қаватли савдо шохобчалари ўрнини кўркам лойиҳалар асосида янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари эгаллади.*

*Айни пайтда шаҳарда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган ҳашаматли спорт мажмуасининг қурилиши юқори суръатларда олиб борилмоқда. 12 минг томошабинни сиғдира оладиган футбол майдони, ёпиқ сув ҳавзаси, гимнастика зали ва бошқа иншоотлардан иборат мажмуада нафақат спорт билан шуғулланиш, маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳам барча шароитлар яратилаётир. Келгуси йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган ушбу мажмуа шаҳарнинг яна бир муҳим маданий марказларидан бирига айланади.*

*Ҳудуд ободлиги, аввало, маҳаллалар ободлигидан бошланади. Барча миллат ва элатлар тинч-хотиржам яшаётган шаҳарнинг маъмурий, иқтисодий, маданий марказ сифатида обод ва кўркам бўлиб бораётганида мавжуд 34 та маҳалланинг ўз ўрни бор, албатта.*

*Фуқаролар йиғинлари фаолларининг саъй-ҳаракати билан маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимоялаш ишлари, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш тармоғи тубдан яхшиланмоқда.*

*Шу йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича ўттиздан зиёд лойиҳа амалга оширилиб, 5 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилди. Шунингдек, 70 дан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилди.*

*«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирлар асосида маҳаллаларни янада обод қилишга, хусусан, дам олиш масканларини, маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кўпайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Айни пайтда шаҳардаги «Иттифоқ», «Ёшлик», Бобур номидаги, «Маданият», «Кимёгар», «Қассоблик», «Жиззахлик», «Заргарлик» маҳаллаларида маданий-маиший марказлар барпо этилаётир. Улар таркибида спорт, касб-ҳунар ўргатиш тўгаракларидан ташқари, маданий ҳордиқ чиқариш масканлари ҳам аҳолига хизмат кўрсатади.*

*Хулоса ўрнида айтганда, бу каби эзгу ишлар, фараҳбахш ўзгаришлар, шубҳасиз, истиқлол туфайлидир. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида бўлганидек, Жиззахда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорликни кўриб, бунга яна бир бора амин бўласиз.*

Собиржон ОРИПОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Жиззах шаҳар бўлинмаси раиси.

ҚАРОР ВА ИЖРО

## Иштиёқ бор жойда мажбурият ҳам бор

Инсоният яралибдики, турли ҳайвонларни хонакилаштириб, фойдаланиб келади. Айниқса, қорамол, қўй-эчки, от ва туядан аҳоли истеъмоли учун гўшт, сутдан ташқари, тери ва жун маҳсулотлари олинса, итлар қўриқлаш, мушуклар эса, зараркунандалардан тозалаш мақсадларида хонадонларда боқилади.

Ит ва мушукларни сақлашда уларни вақтида эмлаш, санитария-гигиена ҳамда ветеринария қоидаларига риоя этиш муҳимдир. Акс ҳолда айрим касалликлар авж олиб, оғир оқибатларни келтириб чиқариши, ҳатто инсон ҳаётига хавф туғдириши ҳеч гапмас. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги «Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни тартибга солди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ҳудудий ветеринария ва ободонлаштириш бошқармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида аҳоли пунктларида ит ва мушукларни сақлаш қоидалари бўйича мунтазам тушунтириш ишлари ташкил этиб келинаётир.

> [4]

АНЖУМАН

## ҲАМЖИҲАТЛИК — МУАММОЛАР ЕЧИМИДА МАҚБУЛ ЙЎЛ

**Пойтахтимизнинг Учтепа туманида «Фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат органларининг ҳамкорликдаги тизими» мавзусида анжуман ташкил этилди.**

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликларининг, шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигидаги ушбу анжуман уч босқичда — 1-босқич жорий йилнинг 21-25 октябрь кунлари намунали фуқаролар йиғинларида, 2-босқич 28-30 октябрь кунлари туман, 3-босқич эса 12 ноябрь куни шаҳар миқёсида ўтказилиши мўлжалланган.

Уни юқори савияда ташкил этиш мақсадида туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси бошчилигида маҳаллаларнинг ҳар бирида 40 нафар аъзоси бўлган 5 та сектор тузилди. «Оилага кириш», «Саломатлик», «Таълим ва тарбия», «Бандлик» ва «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» деб номланган ушбу секторлар йиғин ҳудудидаги оилаларни ўрганади ва ўз йўналишларида кенг иш олиб бориши белгиланган.

Хусусан, 12 йиллик мажбурий таълимни таъминлаш йўналиши бўйича ўтказиладиган тадбирларда маҳаллада умумий ўрта, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги, бунда ота-оналарнинг мажбуриятлари, жавобгарлиги масалалари юзасидан тарғибот олиб борилади. Шунингдек, таълим муассасаларида «Давомат» тадбирлари ўтказилиб, дарсларга сабабсиз қатнашмайдиган ўқувчилар аниқланади ва уларни таълимга жалб этиш чоралари кўрилади. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт ва фан тўгаракларига ҳамда касб-ҳунарга йўналтириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича тадбирлар уюштирилади. Бунда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлик механизми асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилади.

Тадбирнинг биринчи босқичи тумандаги «Кўкча Оқтепа» маҳалласида бўлиб ўтди.

Шу куни йиғинда фаолият олиб борган 5 та секторнинг иш тажрибаси кўрсатилди. «Оилага кириш» сектори аъзолари 30 та хонадонни ўрганиб, тадбирлар давомида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни таҳлил этдилар. «Саломатлик» сектори аъзолари томонидан соғлом турмушни шакллантириш мақсадида ҳафта кунлари «Нуронийлар», «Ҳомиладор аёллар», «Болалар ва ўсмирлар», «Хонадон ва экология», «Аёллар ва қизлар» ҳамда «Ўқув муассасалари» кунлари, деб белгиланганлиги, айниқса, аҳамиятлидир. Мазкур тадбирлар давомида 6 нафар фуқаро тиббий кўмакка муҳтожлиги аниқланди. Уларнинг икки нафари шифохонага ётқизилиб, қолганларига тиббий ёрдам кўрсатилди. «Бандлик» сектори эса беш нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлади. «Таълим ва тарбия» секторидагилар 8 та оила фарзандларининг мактаб ва коллеждаги давомати яхши




эмаслигини аниқлаб, масалани ижобий ҳал этгани таҳсинга лойиқ.

Бундан ташқари, аҳоли турар-жойларидаги санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, фуқаролар маъсулиятини ошириш мақсадида «Энг намунали хонадон», «Энг саранжом хонадон соҳиби», «Остонаси гулзор хонадон — фариштали хонадон» танловлари ташкил этилди.

Ҳа, маҳаллаларда олиб борилаётган бундай тажриба аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

САРҲИСОБ

# ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ИЗЧИЛ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



< [1]

Мазкур қарорларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажариш, шунингдек, тасдиқланган 13 та низомни барча фуқаролар йиғинига етказиш, мазкур низомлар асосида фуқаролар йиғинлари фаолиятини ташкил этишига кўмаклашиш, йиғинларни уларда белгиланган вазифаларни жалб этмаслик бўйича маҳаллий ҳокимликларни хабардор этиш ҳамда йиғин ходимлари учун ҳудудий семинарлар ташкил этиш ва ўтказишда ҳудудий тузилмалар раислари шахсан масъул экани таъкидланди.

Ўтган давр мобайнида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, миллий ва маънавий қадриятларни изчил тарғиб қилиш, маҳаллалар фаолиятини такомиллаштириш орқали ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди, — дея сўзида давом этди Фонднинг республика бошқаруви раиси. — Хусусан, «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида жойларда 404 та семинар, 20 мингга яқин учрашув ва давра суҳбатлари, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан бирга «Меҳрдан яшнар кўнгил» шиори остида 10 мингдан ортиқ ҳудудий тадбирлар ташкил этилиб, уларга 1,5 миллион нафарга яқин аҳоли жалб этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг маъруза ва асарлари мазмун-моҳияти ҳамда уларда белгиланган мақсад ва вазифаларни аҳоли, айниқса, ёшларга етказиш мақсадида жойларда 18 мингдан зиёд давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилди.

Ҳисобот даврида Фонд ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан юртимиздаги олий таълим муассасасида бакалавр босқичида таълим олаётган жисмоний имконияти чекланган ҳамда боқувчисини йўқотган 167 нафар талабани ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 232,9 миллион сўмлик ўқув-шартнома пуллари тўлаб берилди. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 29 нафар имконияти чекланган иқтидорли ўқувчи ва талабага замонавий компьютер жамланмалари, 10 нафарига эса мебель жиҳозлари ҳадя қилинди. Ушбу мақсадларга Фонд томонидан 218,6 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ўзгаларга яхшилик қилиш халқимизга хос фазилатлардан. Аждодларимиз азалдан эъзозлаган ва бугун ҳам ҳар бир ватандошимизнинг эзгу аъмолига айланган меҳр-мурувват, саховат кўнгилларни яшнатади, эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамлайди. Маҳалла эса ана шу эзгу ишларнинг бешигидир. Маҳалла ҳеч бир инсонни эътибордан четда қолдирмайди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг 9 ойи давомида 2489 та кам таъминланган оила фарзандларини бепул соғломлаштириш мақсадида ёзги оромгоҳларга жўнатиш учун Фонд ҳисобидан 239,2 миллион сўм сарфланди. 6160 та кам таъминланган оиланинг 6185 нафар иқтидорли фарзандини мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлари уюштирилди.

Иш режада белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 4800 нафардан зиёд эҳтиёжманд аҳоли ҳамда маҳалла фаоллари театр ва концерт томошаларига жалб этилди. Бунинг учун 141,8 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 467 та ёш оиланинг никоҳ тўйлари ўтказилишига кўмаклашилиб, 606 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳадя этилди. Ушбу мақсадларга 712,3 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Бошқарув йиғилишида «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 21 февралдаги 51-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган 2013 йилда «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Дастури ижроси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 2012-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат режаси ижроси юзасидан ҳудудий бўлим ва бўлинмалари томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Юксак малакали, катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла мутасаддиларининг замонавий бинода фаолият олиб боришлари учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари кўмаги билан ҳисобот даврида 945 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилинди. 283 та бино маҳалла фуқаролар йиғини балансига ўтказиб берилди. 2117 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 996 таси мебель жиҳозлари билан таъминланди. Республика бўйича жами 79 та янги маҳалла гузари ташкил қилинди. Шунингдек, республикамиз маҳаллаларида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 270 та болалар майдончаси барпо этилиб, 684 таси қайта таъмирланди, 1052 таси эса ободонлаштирилди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ва туман(шаҳар)лар миқёсида фуқароларнинг маърифий-маданий, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёш авлодни миллий ва маънавий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби ижтимоий ва маънавий муҳит барқарорлигига ижобий таъсир этувчи тадбирларни ташкил этишда фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмак берилди.

Умумхалқ байрамлари ва шонли саналарда маънавий-маърифий, бадиий-маданий тадбирлар, учрашувлар ташкил этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида жорий йилнинг 9 ойи давомида Фонд ва унинг тузилмалари томонидан 4 мингдан ортиқ тадбир ташкил этилди. 34 минг нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож оилага моддий ёрдам кўрсатилишига эришилди. Ушбу мақсадларга 1 миллиард 386 миллион сўм маблағ сарфланди.

Маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёлғиз қариялар, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 36 нафар жисмоний имконияти чекланган ногиронга махсус аравача, 41 нафарига қўлтиқтаёқ, 41 нафарига эшитиш мосламаси, 17 нафарига ҳасса, 15 нафарига протез ортопедия маҳсулотлари олиб берилди. Ушбу мақсадларга Фонд маблағлари ҳисобидан 37 миллион сўм харж қилинди. Шунингдек, Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 2 минг нафарга яқин тарбияланувчиларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларга «Маҳалла мурувват» МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган 383,3 миллион сўмлик кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар ҳадя этилди.

Боқимандалик иллатига барҳам бериш мақсадида фуқаролар йиғинлари томонидан қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида 41 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этиш орқали 112 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Бошқарув йиғилишида «Обод турмуш йили» Давлат дастури, Фонд иш режаси ва бошқа дастурларда белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ўтган 9 ой давомида жами 49 миллиард 573 миллион сўм маблағ сарфланиб, шундан 14 миллиард 860 миллион сўм «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари, 34 миллиард 712 миллион сўмдан ортиғи эса, ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилгани таъкидланди.

Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим ҳудудий бўлим ва бўлинмалар томонидан ижро интизоми, қуйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингни амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан Фонднинг вилоятлар бўлимлари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажаришга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Фонднинг ҳудудий бўлим ҳамда бўлинмаларида хат ва ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўришда қонунчилик нормаларига қатъий амал қилиш, тизимда ижро интизомини янада мустаҳкамлаш каби долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Шунингдек, мажлисда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўладиган фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ, демократик тамойиллар асосланган ҳолда юқори савияда ўтказилишида барча ҳудудий бўлим ва бўлинмалар мутасаддиларига масъул экани таъкидланди.

Йиғилишда «Mahalla» газетасига 2014 йил учун обуна жараёни хусусида Фонднинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Қизғин мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# САЙЛОВГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК ФАОЛЛИКНИ ОШИРАДИ

< [1]

— «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси билан яқиндан ҳамкорлик олиб боряпмиз, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи туман комиссияси раиси Фахриддин Парпиев. — Барча фуқаролар йиғинлари сайловни юқори савияда ўтказиш учун шай ҳолатга келтирилди. Фонд ҳамкорлигида ишчи гуруҳларига сайловга оид қўлланмалар, плакатлар, услубий материаллар тарқатилди. Туманимиз аҳли бу йилги сайловларда фаол иштирок этиши кутилмоқда.

Айниқса, ҳудуддаги «Сарой», «Қўштепасарой», «Чўнтак» каби маҳалла фуқаролар йиғинларида тузилган ишчи гуруҳлари ўзларининг намунали фаолияти билан кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

— Айни вақтда фаолиятимиз бевосита қишлоқ ва маҳаллаларга кўчган, десак муболаға эмас, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси мутахассиси Нодирахон Қосимова. — Бу фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Сайловни ташкил этиш ва ўтказиш масъулиятини ўз зиммасига олган тизим шакллантирилгани фуқаролар йиғинларига муносиб номзодлар сайланишида қўл келади.

Янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун сайлов борасида олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Сайловларнинг халқ иродаси, ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассам этган мазкур қонун талаблари асосида ташкил этилиши, ўтказилиши жойлардаги янгиланишларга пойдевор бўлиши шубҳасиз. Буни Олтинкўл туманида сайловларга тайёргарлик жараёнининг уюшқоқлик билан ташкил этилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ
«Mahalla»

* * *

Кейинги йилларда фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўладиган сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муносиб раис ва маслаҳатчиларнинг сайланиши улкан аҳамиятга эга. Шу боис бу муҳим сиёсий жараёнга жойларда катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

— Туманимизда 64 нафар фуқаролар йиғини раиси ва унинг 512 нафар маслаҳатчисини сайлаш кўзда тутилган бўлиб, сайловларни ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қашқадарё вилояти Косон тумани бўлинмаси раиси Барно Шоймардонов. — Ҳозирга қадар аҳоли ўртасида сайлов тартиб-қоидалари ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилди. Муҳим сиёсий жараёнга хотин-қизлар, ёшларни кенг жалб қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган 60 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди.

Айниқса, ҳудудда Фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ҳамда ишчи гуруҳ аъзолари ҳудудларда сайлов қонунчилиги, жараённинг аввалгиларидан фарқли жиҳатлари, номзодларга қўйиладиган талаблар хусусида атрофлича тушунтириш бераётгани кўпчиликни қизиқтирмоқда. Туман сайловга кўмаклашувчи комиссиясининг 11 нафар аъзоси маҳаллаларга бириктирилган. Масъуллар ишчи гуруҳларга сайловни юқори савияда ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказишда яқиндан кўмаклашаётир.

Айни пайтда сайловни ўтказиш учун аҳолига қулай жойлар — ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари, мактаблар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари шай ҳолга келтирилди. Улар сайловга оид қўлланмалар, рисолалар, плакатлар ва бошқа тарқатма материаллар билан таъминланди.

Ишчи гуруҳлари янги таҳрирдаги «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунга биноан маҳаллалардаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар аҳолисининг умумий йиғилишларини ўтказиб, вакиллар сайлаб олишди. Эътиборлиси, умумий йиғилишларда фуқаролар фаоллик билан иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар.

— Йиғинимизда 2526 нафар сайловчи бўлиб, 8 та кўчада фуқаролар вакиллари сайлови бўйича ўтказилган умумий йиғилишларда 47 нафар вакил сайланди, — дейди Бўлмас қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган ишчи гуруҳ раиси Раҳматулла Шодмонов. — Умумий йиғилишларда фақатгина вакиллар сайлаш билан чегараланмай, аҳолини соҳа қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан яқиндан таништирдик. Шунинг баробарида фуқароларнинг номзодлар бўйича фикрларини ҳам ўргандик. Ҳозир одамларнинг сиёсий фаоллиги анча ошган. Ҳар бир сайловчи тадбирларни эътибор билан кузатиб, ўз муносабатини билдирмоқда.

Вакилликка сайланганлар фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига элнинг ҳурматига сазовор, тажрибали, билимли, сайлов қонунида белгиланган барча талабларга жавоб берадиган номзодларни сайлашни мақсад қилган.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

# ТЕНГЛИК ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ УСТУВОР

**1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг тасдиқланган биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжат саналади. У ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, тенглик ва ижтимоий адолат тамойиллари устуворлигини таъминлаши билан аҳамиятлидир.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида қайд этилганидек, «Демократия умуминсоний принципларга асосланади, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият» ҳисобланади. Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти ҳам айнан мана шу олий қадрият, яъни инсон шаъни ва қадр-қиммати, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Зеро, инсон ҳуқуқлари бу — давлат томонидан бир ёки бир неча фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши, уларни таъминлаш бўйича давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий муносабатлардир.

Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ва унинг қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари тобора такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, соҳада миллий манфаатларимизга мос келадиган хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик ўрнатилган.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари устунлиги конституциявий асосда мустаҳкамланган. Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан зиёд халқаро ҳужжатлар, хусусан, БМТ томонидан бу борада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартномани ратификация қилиб, ўзининг халқаро мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Юртимизда ушбу йўналишда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг ўрни алоҳида. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 октябрдаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Миллий марказини тузиш тўғрисида»ги Фармони асосида ташкил этилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Президент фармонлари, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Миллий марказнинг асосий мақсади — устувор вазифаларни ҳар томонлама ҳал этиш йўли билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий фаолият дастурини, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этишнинг кўп жиҳатли тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборат.

Шунингдек, Миллий марказ фаолияти шу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва инсон ҳуқуқларини суд йўли билан ҳимоя қилиш, ноҳукумат ҳуқуқни ҳимоя этиш ташкилотлари фаолиятларининг самарали шаклларини ривожлантириш, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, таълимнинг кўп мақсадли тизимини ташкил этиш, ижро ҳокимияти доирасидаги вазирликлар, қўмиталар, идоралар ва муассасаларни соҳага доир фаолиятини мувофиқлаштиришни ҳам кўзда тутади.

Марказнинг халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам белгиланган. Шу асосда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви билан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида қатор қўшма тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Миллий, этник ҳамда диний тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлар билан ўзаро ҳамкорлиги» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар вакиллари қаторида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимлари ҳам ўз маърузалари билан иштирок этдилар.




Маърифий тарғибот ишларидан ташқари, Миллий марказ халқаро ташкилотлар учун маърузалар тайёрлашда фуқаролар йиғинлари фаолиятига доир қонунлар ва қонуности ҳужжатларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фонди кўмагига таянмоқда.

Марказнинг Жамоатчилик билан алоқалар бўлимига 2013 йилнинг биринчи ярмида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда, 745 ҳолат бўйича ариза, шикоят ва таклифлар келиб тушган. 659 та мурожаатга ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 76 таси тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этилди, 44 таси бўйича бузилган ҳуқуқлар тикланди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда инсон шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан фуқаролар йиғинларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Зеро, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда фуқаролар йиғинлари кўмагига таяниб иш кўриш энг мақбул йўлдир.

Луқмонжон ИСОҚОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходими.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАН

# САЙЛОВДА ОШКОРАЛИК

САВОЛ:

*— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкоралик принципи қандай амалга оширилади?*

ЖАВОБ:

— Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой тўғрисида фуқароларни хабардор этади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар ҳақида, овоз бериш якунлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш ҳам сайловнинг ошкоралигини таъминлайди.

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишда ошкораликни таъминлаш сайлов жараёнлари устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос шакли ҳисобланади. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг комиссияси, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг сайловга янада масъулият билан ёндашишга ундаш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, сайлов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслигида муҳим омилдир.

Сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақидаги маълумотлар фуқаролар йиғини раиси лавозимига , ҳоким билан келишилган номзодлар ҳақидаги ахборот фуқаролар йиғини биноси ва гузарларга, шунингдек, аҳоли гавжум жойларга осиб қўйилиши ва зарур ҳолларда ушбу маълумотлар ўзгартириб борилиши ҳам ошкоралик принципига мосдир.

«Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонуннинг 5-моддаси асосида тайёрланди.

МАҲАЛЛАДА САНОАТ

# ИМКОНИЯТ ТАШАББУС ВА ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎЛ ОЧМОҚДА



< [1]

Туманимиздаги фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Маслаҳат марказлари»нинг кўмагини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бугунги кунда деярли барча фуқаролар йиғинида шундай марказлар фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда энди иш бошламоқчи бўлган тадбиркорларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилялти, муҳими, бунинг учун керак бўладиган барча ҳужжатлаштириш ишлари марказ ходимларининг кўмагида амалга оширилаётгани тадбиркорларга катта қулайлик туғдирмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, маслаҳат марказлари одамларда тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиш ҳам уйғотяпти.

Нуристон шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи Бахтиёр Самадов тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи эканини айтиб, бўлинмамизга мурожаат қилди. Барча ҳужжатлаштириш ишлари тайёр бўлгач, қулай жойдан ер майдони ажратиб бердик, қисқа муддатда замонавий тўйхона ҳамда ошхона биноси қуриб битказилди. Ишлар юришиб, қатор савдо шохобчалари ҳам бунёд этилди. 20 нафар киши иш билан таъминланди. Энди эса тадбиркор сут ва гўштни қайта ишлайдиган корхона очиш учун маслаҳат марказининг ёрдами билан лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаяпти. Бундан ташқари, мева ва сабзавотларни сақловчи музлаткич-омбор қуриш нияти ҳам бор.

Бўлинмамиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун мурожаат қилган фуқароларга 400 миллион 398 минг сўм кредит олишда кўмаклашилди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 256 та тадбиркорлик субъекти ва фуқароларга 8 миллиард 801 миллион сўм банк кредитлари ажратилди. Натижада 329 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги «2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарорига асосан туманда 21 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган ва шу орқали 423 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. Озиқ-овқат соҳасидаги 2 та лойиҳанинг бири Нуристон шаҳарча фуқаролар йиғинига тегишли. «Жамшидбек Абдиназарович» хусусий корхонасига ажратилган 50 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда арзон ва сифатли нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 4 киши иш билан банд. «Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам худди шундай цех аҳоли хизматида.

Бандликни таъминлаш, айниқса, хотин-қизларни фаол ҳаётга жалб этиш мақсадида «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинининг таклифига кўра, «Нуртекс» МЧЖга 60 миллион сўм кредит маблағи ажратилиб, 24 дона тикув машинаси келтирилди. 16 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Ҳозир ушбу корхонада махсус иш кийимлари, қўлқоп, фартуклар тикилмоқда. Нуристон шаҳарча фуқаролар йиғинида ташкил этилган тикувчилик цехида ҳам 12 нафар хотин-қиз иш билан банд.

«Юксалиш» маҳалла фуқаролар йиғинида «Холиёров Абдусалом» фермер хўжалиги томонидан 50 тонна жунни қайта ишлайдиган корхона фаолияти йўлга қўйилмоқда. Туман аҳолисининг асосий қисми чорвачилик билан шуғулланишини ҳисобга оладиган бўлсак, корхона учун хомашё захираси етарли. Тери ва жунни қайта ишлайдиган корхоналар сонини янада кўпайтириш мақсадида тадбиркорларни мазкур тармоқни ривожлантиришга жалб этяпмиз.

Бундан ташқари, шу маҳаллада мева-сабзавот, «Пахтаобод»да гўшт ва сутни қайта ишлайдиган, Мирзо Улуғбек номидаги, «Навбаҳор», «Пахтакор» маҳаллаларида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, асални қадоқлаш сингари лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, тадбиркорлар томонидан алибастр, гипс, темир-бетон плиталари ишлаб чиқариш таклифлари ўрганиляпти. Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши туман иқтисодиётига катта улуш қўшиши билан бирга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши тайин.

**Маҳматқул САЛОМОВ,**
**«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Нишон тумани бўлинмаси раиси вазифасини бажарувчи.**

ОДАМ САВДОСИ — ОЛАМ ҒАВҒОСИ

# ИЛЛАТНИНГ ДОМИГА ИЛИНМОҚ — ЁМОН!

**Аёл — оила чароғбони, ҳаёт давомийлигини таъминловчи муқаддас хилқат. У нафақат сувратда, балки сийрати жиҳатидан ҳам гўзал бўлишга лойиқ. Зотан, келажак насллар айнан шу зот орқали дунёни илғайди. Яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиш, оила, Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис этиш, мардлик, инсонийлик, ҳалоллик, яратувчанлик каби фазилатлар она тарбияси билан куртак ёзади.**



Мамлакатимизда аёлга эҳтиром ниҳоятда юксак. Бугун ҳар бир соҳа ривожида уларнинг муносиб ҳиссаси, улуши бор. Юртбошимизнинг бевосита ғамхўрликлари билан аёллар турмуш шароитларини енгиллаштириш, уларга муносиб меҳнат ва ҳаёт тарзини яратиш мақсадида кенг кўламли амалий чора-тадбирлар олиб борилаётир. Оилалар, аёллар ва болалар билан боғлиқ давлатимиз сиёсатининг ҳаётбахш натижаларини айни пайтда бутун дунё эътироф этмоқда, ундан андоза олмоқда.

Мустақилликнинг илк даврида ёқ аёллар масалаларини қамраб олувчи йирик жамоат ташкилоти — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилди. Кейинги йилларда Қўмита жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки кенгайиб, оила, оналик ва болалик мустаҳкам ижтимоий муҳофаза этилаётир, тадбиркор аёлларга кенг йўл очиб берилмоқда.

Афсуски, яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлардан унумли фойдаланиш ўрнига, айрим хотин-қизлар ҳою-ҳавасга берилиб, хорижда сарсон-саргардон юрибди. Яқинларидан олисда, фарзандларини меҳрга зор этган бундай аёлларнинг уч-тўрт сўм илинжида ор-номусидан ажралаётгани, одам савдогарларининг макрига учиб, қуллик балосига дучор бўлаётгани жуда аянчли.

— Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан жойларда одам савдосининг келиб чиқиш сабаблари, аёлларнинг ушбу жирканч жиноят қурбонига айланиш оқибатлари мунтазам ўрганилмоқда, — дейди пойтахтимизда Республика Бош прокуратураси, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда «Истиқболли авлод» ННТ ҳамкорлигида ўтказилган семинарда Қўмитанинг ННТлар фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи раҳбари Д.Алимжонова. — Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, кишининг маънавий даражаси ва ҳуқуқий саводхонлиги паст, оилавий муҳити носоғлом бўлса, бундай иллат домига осонгина илинади. Қолаверса, жойларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги тарғибот ишлари тўғри ташкил этилмаган бўлса ёки бундай тадбирлар аҳолининг энг қуйи қатламларигача етиб бормаса ҳам, одамфурушлар шунча кўп «самара»га эришади.

Семинарда жирканч жиноятнинг келиб чиқишига асос бўладиган яна бир омил сифатида ҳудудлардаги масъуллар, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, йиғинларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда профилактика инспекторларининг тадбирларни тўғри йўлга қўймагани, аҳолининг яшаш ва ижтимоий шароитини ўрганиш ишларининг етарлича ташкил этилмагани ҳам қайд этилди. Бу борадаги ҳамжиҳатликни кучайтириш иллат илдизига болта уриши, хусусан, ҳар куни ҳудудлардаги масъуллар(йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, ҳудуд профилактика инспектори ҳамда ҚВП ёки оилавий поликлиника шифокори)нинг мулоқотда бўлиши лозимлиги таъкидланди.

— Одам савдосига қарши курашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида ҳам қатор долзарб вазифалар бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Жумладан, йиғинлар ҳузуридаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар, яъни Хотин-қизлар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият ишлари бўйича ҳамда Яраштириш комиссиялари фаолиятлари доирасидаги қатор мезонлар ушбу жиноятнинг авж олишига тўсқинлик қилади, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 7 октябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида тасдиқланган намунавий Низомларда ҳам бу борадаги долзарб вазифалар ўз аксини топган. Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини кучайтиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги тегишли комиссиялар, хусусан, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия фаолиятини янада такомиллаштириш, маърифат ва маънавият тарғиботида таъсирчан воситалардан фойдаланиш улкан аҳамиятга эга.

Таъкидлаш жоизки, ҳамжиҳат фаолият кутилган натижаларни туҳфа этади. Юртдошларимизни бу балодан асраш, хусусан, аёлларни одамфурушлар чангалига тушиб қолишининг олдини олишда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида аёллар бандлигини таъминлашга оид қатор хайрли тадбирлар амалга оширилди. Жойларда 1000 нафардан зиёд қишлоқ аёлининг иқтисодий билими мустаҳкамланди, 521 нафар хотин-қизга микрокредитлар ажратилди, 535 нафар аёлнинг иш билан таъминлангани ана шу ҳамкорлик натижасидир. Қолаверса, Германиянинг Халқаро ҳамкорлик жамғарма кассалари фонди билан келишилган дастур асосида республикамизнинг 13 та ҳудудида маслаҳат гуруҳлари ташкил этилди. 1 879 нафар аёлнинг бошланғич иқтисодий билими шакллантирилди. Ўтказилган 75 та семинар хотин-қизларнинг тадбиркорлик қизиқишига туртки берди.

Кам таъминланган оилалар хотин-қизларини касб-ҳунарга ўргатиш мақсадида пойтахтдаги ўқув марказлари билан имзоланган келишувлар асосида 42 нафар эҳтиёжманд оила қизлари ҳунар ўргандилар. Айнан шу келишувга мувофиқ, ҳудудларда 10.339 нафар қиз касб-корли бўлди.

Семинар давомида ҳудудий Хотин-қизлар қўмиталарида фаолият олиб бораётган ходимлар мамлакатимизнинг одам савдосига қарши курашишга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари билан таништирилди, мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойларда самарали ижро этилишида тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этишни таъминлайдиган амалий тавсия ва маслаҳатлар берилди. Бу борадаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ҳамкорлик доирасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

# Кузнинг «кумуш толаси»

**Наманган тумани азалдан миришкор деҳқонлари, соҳибкор боғбонлари билан машҳур. Эндиликда улар сафига ипак қуртидан йилига икки марта ҳосил олаётган моҳир пиллакорлар ҳам қўшилди.**



Кейинги йилларда туманда нафақат эрта баҳорда, балки куз фаслида ҳам «кумуш тола» етиштириш тажрибаси синовдан муваффақиятли ўтмоқда.

— Бу йил ҳам август ойининг охирларида бир қатор маҳаллаларда яшовчи кўп йиллик ҳаётий тажрибага эга пиллакорларга 45 қути ипак қурти тарқатилган эди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Икромжон Сатторов. — Сентябрь ойи давомида унинг парваришига амалий ёрдам кўрсатилиб, маслаҳатлар бериб борилди. Октябрнинг дастлабки кунларидан «кумуш тола» теримига киришилди. Ҳар қути ипак қуртидан ўртача 65-70 килограммдан сифатли пилла олинди.

Иброҳим Раҳматов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Маллаҳовуз» фуқаролар йиғинида яшовчи Шарифжон Исроилов, шунингдек, «Курмак», «Миришкор», «Кайковус» каби маҳаллаларда истиқомат қилувчи Маъсуда Мирзараҳимова, Эътибор Усмонова, Ҳафиза Исоқова каби илғор пиллакорларнинг иккинчи ҳосили ҳам баракали бўлди.

Азизбек ТОШТЕМИРОВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

# «Олвализор» тажрибаси оммалашмоқда

**Наманган шаҳридаги «Олвализор» маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган «Ота-оналар университети» машғулотлари қисқа вақт ичида ҳududдаги ёш оилалар ва балоғат остонасидаги ўғил-қизларнинг эътиборини тортди.**

Бой ҳаётий тажрибага эга нуроний отахон ва онахонлар, ибратли оила соҳиблари, зиёлилар, фаоллардан таркиб топган мазкур университет томонидан ҳафтада икки марта турли мавзуларга ва долзарб масалаларга бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда аниқ режа-дастур ишлаб чиқилиб, асосан ҳудуддаги нотинч, ноқобил оилалалар вакиллари қамраб олинаётгани самара бераётир. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида йиғинда оилавий жанжал ва ажримлар, қўни-қўшнилар орасидаги можаролар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар деярли қайд этилмади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишда олвализорликлар тажрибаси «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган шаҳар бўлинмаси томонидан эътироф этилиб, оммалаштиришга лойиқ топилди. Шу мақсадда семинар-тренинг ташкил этилди. Дастлаб иштирокчилар ҳудуддаги таълим муассасалари ўқувчиларининг «Иқтидорли болалар Ватан равнақига хизмат қилади» мавзусидаги кўргазмаси билан танишдилар. Шундан сўнг, «Ота-оналар университети»нинг навбатдаги машғулотида қатнашгач, беш гуруҳга бўлиниб, ўзаро баҳс-мунозараларга киришдилар. Мутахассисларнинг соҳага оид маърузалари ва савол-жавоб тарзидаги фикр алмашинуви якунида университет фаолиятини янада кучайтириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фарҳод ҚОДИРОВ
«Mahalla»

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

# Кенг ҳовлида орзу-мақсад ҳам кўп бўлар



**Бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, қишлоқ жойларда ҳам аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун зарур барча шарт-шароит яратилмоқда.**

Жорий йилда биргина Сирдарё вилоятининг ўзида қурилиши ниҳоясига етказилган 320 та намунали лойиҳадаги янги уй-жойларни ҳам шулар қаторига киритиш мумкин.

Мирзаобод туманидаги Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғинининг «Боғистон» маҳалласида сўнгги икки йилда 500 тага яқин замонавий уй қад ростлади. Кенг ҳовли, пешайвон, меҳмонхона, болалар хонаси, ошхона, ҳаммом ва бошқа қўшимча бинолар мажмуасидан иборат бу кўркам турар-жойлар юксак дид билан бунёд этилган.

Янги массивда умумтаълим мактаби, қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Ёзги ва қишки спорт майдончалари, тўйхона аҳоли ихтиёрида. «Боғистон»нинг равон йўллари, кўркам ва фусункор фавворалари, кўчаларга ўрнатилган тунги ёриттичлар, турли хил мевали дарахтлардан иборат 2 гектарли боғ киши баҳридилини очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида Сирдарё вилоятида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буни 2009-2012 йиллар мобайнида минглаб намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларда нишонланган ҳовли тўйлари ҳам исботлаб турибди.

Янги массивлар замонавий қишлоқ меъморчилигини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, бу ерда истиқомат қилаётган кишиларда ҳаётга янгича қараш баробарида дахлдорлик ҳисси ҳам ортиб бормоқда.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ
«Mahalla»

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Нотариус тасдиғига тенг ишончнома

САВОЛ:

*— Нотариус тасдиқламаган ишончнома ҳам қонуний ҳисобланиши мумкинми?*

Манзура ЭГАМБЕРДИЕВА.
**Наманган вилояти Поп тумани.**

ЖАВОБ:

— Албатта, шундай ишончномалар ҳам борки, улар нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 136-моддасида бу борада батафсил маълумот берилган. Унга кўра, госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошлиқлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалар ана шулар жумласига киради.

Бундан ташқари, ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, муассасалар ҳамда ҳарбий ўқув юртлари жойлашган, нотариал идоралар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа органлар бўлмаган пунктларда эса ишчи ва хизматчиларнинг, улар оилаларининг ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг шу қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан тасдиқланган ишончномалари ҳам шу турдаги ҳужжатдир.

Яна бир гап. Озодликдан маҳрум қилиш жойларида бўлган ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошлиқлари томонидан тасдиқланган ишончномаларига ҳам нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаштирилган ҳужжат сифатида қараш лозим.

Жамила СОТВОЛДИЕВА,
**Тошкент шаҳар Мирobod тумани 7-сонли ДНИ нотариуси.**

ОЛОВ — ТИЛСИЗ ЁВ

# ҲУШЁРЛИК ХАВФ-ХАТАРНИ КАМАЙТИРАДИ



**Кексалар бежиз: «Сув балосидан, ўт балосидан асрасин», дея дуо қилишмайди. Айниқса, ўт балоси нафақат мол-мулк, балки инсон ҳаётига ҳам жиддий хавф солиши билан ташвишлидир.**

Ўз вақтида кўрилган чоралар, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик ёнғин хавфини камайтириб, мол-мулкимиз, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрашга хизмат қилади.

Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ томонидан Халқ таълими муассасаларида айнан шу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан, коллеж ва мактаблардаги ўқувчиларга оловнинг ўта хавфлилиги, ногаҳон содир бўлган ёнғинлар оғир оқибатларни келтириб чиқариши, кундалик турмушда тез аланга олувчи воситалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш лозимлиги атрофлича тушунтирилмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда бирламчи ўт ўчириш воситаларининг борлиги, тўлиқлиги, биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида бириктирилган масъул ходимларнинг фаолияти нималардан иборатлиги қайта назорат қилинаётир. Синфхоналаридаги электр нуқталари текширилиб, мавжуд носозликлар тузатилмоқда.

Ушбу тадбирлар ёш авлод хавфсизлигини таъминлаш ва тилсиз ёвнинг олдини олиш борасидаги амалларни улар онгига сингдиришда муҳим аҳамият касб этади.

А.СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 28-ХЁХҚ инспектори.

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТ ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН



**Эрталабдан беш-олти нафар аёл маҳалла идорасига шошиб кириб келишди. Қисқа салом-аликдан сўнг, бири қўйиб бири гапира кетди.**

— Кўчиб келган оила яхши эмас экан. Уйига ҳар хил одамлар келиб, кетяпти. Кеча тунда жанжал ҳам бўлди...

— Болаларимиз тарбиясига таъсир қилади, бу аҳволда маҳалламиздан барака қочади-ку?!

Маҳалла раиси бу масаланинг жиддий сабаби борлигини фаҳмлади. Аёлларни тинглагач, тезкорлик билан фаолларни йиғди. Масалани ўрганиш хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Нигора Примовага топширилди. Комиссия аъзолари, профилактика инспекторидан иборат ишчи гуруҳи вазиятни жойида ўрганишди.

Хуллас, маҳаллага яқинда кўчиб келган аёл хонадонида ахлоқсизлик ҳолатлари аниқланди ва унга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал дунёқарашини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини оширишда йиғин қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиянинг кўмаги қўл келмоқда. Қолаверса, аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилани мустаҳкамлаш, аҳоли саломатлиги ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги ишлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Маълумки, оналик ва болаликни асраш, соғлом оилани шакллантириш, оилавий ва аёллар спортини ривожлантириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда қабул қилинган давлат дастурлари ижросини таъминлашда иштирок этиш комиссия вазифалари сирасига киради.

Маҳаллада Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида комиссиянинг оилавий поликлиника билан ҳамкорликдаги ишлари эътиборга молик. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудда яшовчи 14-18 ёшли 168 нафар, 18-30 ёшли 622 нафар хотин-қиз тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Айниқса, ҳомиладор аёллар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларга ўзининг ҳамда туғилажак фарзандининг соғлиги ҳақида керакли маслаҳатлар бериб келинмоқда.

— Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида кенг жамоатчилик ўртасида давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этяпмиз, — дейди фуқаролар йиғини қошидаги хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия раиси Нигора Примова. — Тадбирларда мутахассислар томонидан тиббий кўрикнинг аҳамияти, юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатма ва маслаҳатлар бериб боряпти. Шунингдек, «Ота-оналар университети», «Оналар мактаби», «Қайнона-келин клуби» ҳамда «Ораста қизлар» тўгараги асосий ҳамкорларимиздандир.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, қизларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий баркамол, Ватанга, халққа садоқатли шахс қилиб тарбиялаш мақсадида коллеж ва мактабларда 40 дан зиёд турли тўгараклар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 802 нафар ўқувчи жалб этилган. Шаҳар ФҲДЁ бўлими билан ҳамкорликда «Ёш оила қурувчилар мактаби» ҳам ташкил этилди. Комиссия ташаббуси билан «Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш соғлом авлод асосидир», «Оила — жамиятнинг асосий бўғини», «Аёл ва ҳуқуқ», «Қиз бола одоби билан гўзал», «Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда инсон саломатлиги ва оила маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи гиёҳвандлик, ОИТС, ичкиликбозликнинг салбий оқибатлари хусусида атрофлича тушунча берилаётир. Эътиборлиси, комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан нотинч оилалар рўйхатидан жой олган 4 та хонадондаги муҳит соғломлаштирилишига эришилди. Ўтган йилдан буён маҳаллада ажримлар қайд этилмагани ҳам қувонарлидир.

Хулоса ўрнида айтганда, маҳаллада, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга қаратилган тарғибот ишларини амалга ошириш комиссия фаолиятининг асосий йўналишларидан бири саналади. Бу борада баҳорликлар эришаётган муваффақиятлар эътирофга сазовор.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

# Дунё бўйлаб

## Пўртана ташвиш келтирди

**Британия, Нидерландия, Франция ва Германия шимолида юз берган довулда қурбон бўлганлар сони ошиб бормоқда.**



Британияда тўрт, Германияда уч, Франция, Нидерландия ва Данияда бир нафардан одам ҳалок бўлган.

Швеция ва Данияда уйларга шикаст етган.

Соатига 160 километр тезлик билан юз берган довул оқибатида 270 минг уй электр таъминотисиз қолган.

Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли муҳим автомобиль йўллари ва кўприкларда ҳаракатланиш тўхтатилди.

Довул оқибатида Лондоннинг Хитроу аэропортида 130 рейс, Амстердам аэропортида 55 рейс бекор қилинди.

Роттердам портида кемалар ушлаб қолинди. Гамбург аэропортида бир ярим мингга яқин йўловчи довул сусайишини самолётда кутишга мажбур бўлди.

## Тянанменда худкушлик амали

**Хитой пойтахти Пекин марказида кўпчиликнинг кўз ўнгида портлаш юз берди.**



Тянанмен майдонига шиддат билан кириб келган автоулов тўсатдан портлаб кетди. Полиция камида беш кишининг умрига зомин бўлган ҳужумни худкушлик амали, деб гумон қилаётир.

Маълумотларга кўра, портлатилган машинанинг рухсатномаси Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасида олинган. Айни дамда икки нафар шинжонлик шахс ҳужумга алоқадорликда гумонланиб қидирилмоқда.

Портлатилган машина ичидаги уч киши ҳам ҳалок бўлган. Қурбонлар орасида эса икки нафар филиппинлик ва бир япониялик сайёҳ ҳам бор. Гувоҳларнинг айтишича, автомобилни полиция қувиб келган.

Ҳозир Пекиннинг машҳур Тянанмен майдонида ҳаёт изига тушган. Аммо майдон атрофида хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

## Йўлдаги хунрезлик

**Афғонистон жануби-шарқида йўл четига ўрнатилган бомба портлаши оқибатида автобусда кетаётган 18 нафар йўловчи ҳалок бўлди, бир неча киши оғир аҳволда шифохонага етказилди.**



Автобусдаги одамлар Ғазни вилояти Андар туманига тўйга отланганни, ҳалок бўлганларнинг аксарияти аёллар ва болалардан иборат бўлгани айтилмоқда. Мазкур террорчилик хуружи учун масъулиятни ҳозирча ҳеч ким ўз зиммасига олгани йўқ.

Толиблар томонидан назорат қилинувчи Андар туманида аввал содир этилган бу каби терактлар улар зиммасига юкланган.

Интернет маълумотлари асосида
Ф.КОМРОН тайёрлади.

ҚАРОР ВА ИЖРО

# ИШТИЁҚ БОР ЖОЙДА МАЖБУРИЯТ ҲАМ БОР

< [1]

Бу борада Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида ҳам тизимли иш йўлга қўйилган.

— Хонакилаштирилган ҳайвонлар, айниқса, ит ва мушукларни сақлашнинг аниқ тартиб-қоидалари мавжуд, — дейди Ангрен шаҳридаги «Боботоғ» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Камола Тоғаева. — Итларни шунчаки уйда сақлаш, боқиш билан кифояланиш хато. Уларга ўз вақтида қутуришга қарши вакцинация қилинмаса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Маҳалламиз кўп қаватли уйлардан иборат. Ҳозирда қарийб 25 та хонадонда «қўриқчи» ҳайвон бор. Унинг эгаларига итларни сақлашнинг санитария ва бошқа қоидалари, мажбуриятлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришда уй бошлиқлари фаоллик кўрсатаётирлар.

Юқорида қайд этилган ҳуқуқий ҳужжат аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлашга оид муносабатларни тартибга солди. Ушбу қоидаларда аҳоли пунктларида бундай жониворларни (хизмат итлари бундан мустасно) сақлаш тартиби белгиланибгина қолмай, ҳайвон эгалари, шу жумладан, юридик шахслар учун ҳам мажбурийлик кўрсатилган. Давлат ветеринария бўлимлари томонидан аҳоли пунктларида итлар рўйхатга олиниши ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказилиши белгиланган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли давлат ветеринария бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун ит сақлайдиган фуқаролар тўғрисида маълумотлар тақдим қилиши қайд этилган.

Ит ва мушук сақлаш қоидаларига кўра, кўп қаватли уй хонадонларида қўшниларнинг ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг розилиги билан биттадан кўп бўлмаган ит ва мушук сақлаш мумкин. Қолаверса, турар-жой биноларида итлар эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари, эрталаб соат 8.00 гача ва кечқурун 22.00 дан кейин итлар шовқинининг олдини олишлари керак.

Маҳалла фаоллари ҳудудда дайди итлар аниқланганида тезда шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига хабар беришларини таъкидлашди. Бу эса ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олишга хизмат қилаётир.

— Ит — тажовузкор ҳайвонлардан, — дейди шаҳар ветеринария бўлими масъул ходими Йўлчи Матибрагимов. — Шу боис улар ҳар доим назоратда бўлиши, белгиланган муддатларда мажбурий эмланиши лозим. Бу борадаги профилактик тадбирларда доим фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкормиз. Фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ҳар йили итларни қутуришга қарши эмлаймиз. Бундай жониворларни умумий фойдаланиладиган жойлар — зинапоя майдончалари, чердаклар, ертўлалар, шунингдек, ошхоналар, балконлар ва умумфойдаланишдаги пешайвонларда, таълим ва тиббиёт муассасаларида сақлаш, умумий овқатланиш корхоналарига, озиқ-овқат дўконлари ҳамда бошқа савдо ва ишлаб чиқариш залларига олиб кириш, аҳоли гавжум жойлар — пляж, ҳовуз, фавворааларда чўмилтириш ва ювиш мумкин эмас. Шунингдек, ит билан жамоат транспортига чиқиш, маст ҳолатдаги шахслар ва 14 ёшдан кичик болаларнинг уларни сайр қилдириши, ит ва мушукларнинг санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматлари рухсатисиз болалар муассасаларининг зоология бурчакларида сақлаш тақиқланади.

Бундай жонивор ишқибозларининг мажбуриятлари ҳам борки, уларга амал қилиш атрофдагилар хавфсизлигини таъминлайди. Хусусан, ҳайвон эгаси итини очиқ жойларда сайр қилдириш ёки бирор жойда қолдиришда, албатта, тумшуқбоғ ва 2 метргача узунликдаги етовда, жамоат жойларда эса, 1 метргача узунликдаги етовда олиб юриши керак. Акс ҳолда, жонивор тўсатдан одамларга ташланиши оқибатида инсонга жароҳат етказиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, хонадонларда ит ва мушукларни сақлаш қоидалари ва талабларига риоя этилиши инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, турли кўнгилсизликлар ҳамда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Иброҳим БЕК
«Mahalla»

СПОРТ

# Ҳамюртимиз шоҳсупанинг энг юқори поғонасида



**Оғир атлетика бўйича Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида вазни 105 кг.гача бўлган спортчилар мусобақасида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Руслан Нуриддинов терма жамоамиз ҳисобига учта олтин медални келтирди.**

Бу билан у ўзбек оғир атлетикачилари ўртасида биринчи бўлиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

Руслан даст кўтаришда 190 кг., силтаб кўтаришда 235 кг. икки кураш якунига кўра 425 кг. натижа қайд этиб, уч маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этди.

Шунингдек, вазни 77 кг.гача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида иштирок этган У.Алимов кумуш ҳамда бронза медаллари билан тақдирланди. Терма жамоамиз аъзолари М.Тоғаева (48 кг.), М.Сисоева (53 кг.), М.Мамасолиева (69 кг.) ва Р.Макаров (62 кг.) ўз вазнларида кучли ўнталикдан ўрин олишди.

Ўзбекистон терма жамоаси учта олтин ва биттадан кумуш ҳамда бронза медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўринни эгаллади.

Ўз мухбиримиз.

ТАФАККУР ДУРДОНАСИ

# Мевасиз дарахтдан ҳосил кутилмас

**Гўзал хулқ-атворга эга бўлган ва суҳбат одобларига риоя қилган одам ҳамманинг муҳаббатини ўзига жалб этади, қаерга борса, иззат ва ҳурматда бўлади.**

Умид гавҳари қўлга кирса, уни сақлашда сустлик кўрсатиб, зое қилмаслик керак. Агар ғафлатда қолиб, зое этилса, пушаймонлик фойда бермайди. Виждони, номуси, диёнати бўлмаган киши дунёда бўлган ҳамма ёмонликни қилишга тайёрдир. Пасткаш, бахил одамдан яхшилик кутиш — мевасиз дарахтдан ҳосил кутишга ўхшайди.

Ҳусайн воиз Кошифий.


«ЎКТАМХОН НУР ЗИЁ»
Ўқув маркази ўқишга таклиф қилади!
Ҳар ойнинг биринчи кунидан янги гуруҳ очилади.

Аёллар астарлик костюмшими 1-2 ой
Бисер тикиш 2 ой
Тўй ва оқшом либослари 1-2 ой
Сунъий гул 1 ой
Бичиш-тикиш, моделлаш 1 ой
Рус тили 3 ой
Малака ошириш 1 ой
Инглиз тили 3 ой
Ўзбек миллий таомлари 1 ой
Турк тили 3 ой
Уйғур таомлари 1 ой
Математика 3 ой
Аёллар сартарошлиги 3 ой
Тўқувчилик 3 ой
Тўй, оқшом турмаги, макияж 1 ой
Карвинг 3 ой
Гўзаллик салонига тайёрлаш 1 ой
Торт ва пишириқлар 2 ой
Элита пардалар тикиш 1 ой
Торт олий курси 1 ой
Элита пардалар олий курси 1 ой
Бухгалтерия ҳисоби 3 ой
Эркаклар сартарошлиги 2-3 ой
Тикувчилик 3 ой
Каштачилик, маш.вышивка 3 ой
Сарпо қути, саватлар ясаш 1 ой
Бисердан дарахт, гуллар ясаш 1 ой

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИБ, САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ ОЛИНГ.

ЁТОҚХОНА МАВЖУД ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҲАР КУНИ

Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.
Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори бош томон орқасида.
Тел: +99871 221-77-72
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 221-17-95
Кечки: +99871 225-97-93

Филиал: Ҳамза тумани, Фарғона йўли, Қўйлиқ, 4-уй, 40-хона
Мўлжал: Қўйлиқ универсал савдо мажмуаси рўпарасида.
Тел: +99893 574-61-84
+99894 678-50-30
Кундузги: +99871 295-97-82
Кечки: +99871 225-97-93


*Диққат, янги акция!*

# «Mahalla» ҳар бир хонадонга!»

**Ҳурматли юртдошлар!**

**Жорий йилнинг 31 декабрига қадар «Mahalla» ҳар бир хонадонга!» акцияси ўтказилмоқда. Унда қатнашиш учун Сиз газетамизга обуна бўлганингиз тўғрисида қуйидаги купонни тўлдириб, таҳририятимизга почта орқали юборишингиз лозим.**

**Таҳририятга келган купонлар жамланиб, ютуқли лотерея ўтказилади. Унда нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан уч нафар ютуқ эгалари аниқланади. Натижалар газетада эълон қилинади.**

**Ҳар бир ютуқ эгаси 500 000 сўмдан пул мукофоти ёки қимматбаҳо маиший техника буюмлари билан тақдирланади.**

**Ютуқ эгалари газетага йиллик обуна бўлгани тўғрисида муҳр билан тасдиқланган обуна квитанциясини, агар обуна ҳомий ташкилотлар кўмагида уюштирилган бўлса, у ҳолда, банк томонидан бу тўғридаги тўлов-топшириқноманинг аслини кўрсатишлари шарт.**

4-КУПОН

*Исм-шариф:* ____________________

*Манзил:* ____________________

*Телефон:* ____________________

*Обуна бўлинган сана:* ____________________

«ОБУНА — 2014»


Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
Қабулхона: 233-39-89
Котибият: 233-44-25
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: Н.Юнусова
Нашр навбатчиси: Ф.Эсонов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

18690 нусхада чоп этилди. Буюртма J-8170 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00